O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№
310309



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 13 март, № 53 (4716) Жума

# ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК ДАСТУРИ

## У нафақат қишлоқларимиз, балки бутун мамлакатимизни янги, юксак марраларга олиб чиқишга хизмат қилади.



Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.

***Қишлоқларимиз азалдан тўкинлик, қут-барака манбаи бўлиб келган. Асрлар давомида исботини топган ҳақиқат шуки, бугунги тўкин ҳаётимиз, эртанги фаровон келажагимиз шу замин билан боғлиқ. Нега деганда, ким бўлмайлик, қаерда яшамайлик, ҳаётимизни заҳматкаш ва фидойи деҳқонларнинг меҳнат маҳсулисиз тасаввур қила олмаймиз. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, бутун башариятнинг илдизи, аввало, қишлоқ заминига бориб тақалади.***

**Водийларни яёв кезганда...**

Шу боис мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, қишлоқда аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, бир сўз билан айтганда, бу ердаги ҳаёт даражасини юксалтиришга кеча ёки бугун эътибор қаратилаётгани йўқ. Бу ҳаракат Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси ва бевосита раҳбарлиги остида Истиқлол арафасида бошланган эди. Шу мақсадда ўтган давр ичида бир қатор қонун, фармон ва қарорлар қабул қилиниб, уларнинг ижроси бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилдики, бу собиқ иттифоқ даврида даласидан бери келмаган деҳқоннинг қадрини тиклади, энг муҳими, у қишлоқ мулкдори — фермер бўлиб, жамиятнинг илғор вакилига айланди. Жорий йилнинг Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб аталиши эса бу борадаги ишларни бутунлай янги босқичга олиб чиқди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда давлатимиз раҳбарининг шу йил 26 январдаги қарори билан тасдиқланган "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури ижроси бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Мазкур ҳужжат билан яқиндан танишган, унда белгилаб берилган устувор вазифаларнинг амалиётдаги ифодасига гувоҳ бўлаётган юртдошларимиз уни тараққиёт ва фаровонлик дастури, дея эътироф этишмоқда.

Дарҳақиқат, Давлат дастурида бу йил амалга ошириладиган ишларгина эмас, балки яқин келажакдаги энг муҳим вазифалар белгилаб берилгани, буларнинг бари юртимизнинг янада обод, халқимиз ҳаётининг бундан-да фаровон бўлишига хизмат қилиши билан алоҳида эътиборга лойиқдир.

(Давоми 4-бетда).



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

***Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг куни кеча бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида парламент қуйи палатасининг қўмиталарида дастлабки тарзда ишлаб чиқилган, сиёсий партиялар фракцияларининг мажлисларида муҳокама қилинган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.***

Чунончи, яна 11 та жиноят таркибига нисбатан ярашув институти қўлланилишини назарда тутувчи «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66[1]-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Таъкидландики, қонун ҳужжатига киритилаётган тузатишлар жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларини либераллаштиришдаги навбатдаги қадам бўлиб, у кам аҳамиятли қилмишлар учун ҳукм қилинган фуқаролар сонини камайтиришга қаратилгандир.

Депутатлар «Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида Ўзбекистон — Тожикистон Давлат чегараси тўғрисида»ги Шартномани (Душанбе, 2002 йил 5 октябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Сўзга чиққан депутатлар Ўзбекистон ташаббусига кўра имзоланган Шартноманинг ратификация қилиниши Давлат чегараси яқин вақт ичида юридик халқаро-ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилишига, унинг хавфсизлиги таъминланишига, чегарадош давлатлар билан дўстлик ва яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат ва тенг ҳуқуқлилик руҳидаги ҳамкорлик янада чуқурлаштирилишига кўмаклашишини таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларидан мақсадли фойдаланишни мувофиқлаштириш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш департаментини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ — 1005-сонли қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Унда Молия вазирлигининг Ғазначилиги зиммасига Ўзбекистон Республикасига келаётган барча турдаги, шу жумладан, номоддий шаклдаги инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларини тўлиқ ва тизимли ҳисобга олиш вазифаси юклатилган.

«Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 17-моддасига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси фуқароларнинг никоҳ тузиш олдидан тиббий кўрикдан ўтиши чоғидаги алоҳида ҳолатлар ва шароитларни ҳисобга олишга қаратилган. Мазкур ҳужжат ишлаб чиқилишида чет эл мамлакатларининг тажрибаси ўрганилган, Ўзбекистон мутахассисларининг хулосалари эътиборга олинган.

Депутатлар томонидан кўриб чиқилган барча ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

**(ЎзА).**

**Тадбир**

Навоий шаҳрида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Навоий вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда "Вилоятда эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари" мавзуига бағишланган семинар ташкил этилди.

# ЭРКИН ҲУДУДНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Унда депутатлар, сенаторлар, вилоят фаоллари, тегишли вазирлик, идоралар раҳбарлари ва мутахассислар иштирок этди.

Семинарда асосий эътибор мамлакатимиз Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги "Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида"ги Фармонининг мазмун-моҳияти ҳамда уни бажариш юзасидан амалга оширилаётган ишларга қаратилди. Шу билан бирга, Фармонда белгиланган эркин иқтисодий зона фаолияти давомида унинг ҳудудида алоҳида божхона, валюта ва солиқ режимлари, Ўзбекистон Республикаси норезидент фуқароларининг ҳудудга кириш, бўлиш ва чиқиб кетишининг, улар томонидан меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун рухсатномалар олишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилиши масалалари бўйича ҳам фикр алмашилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонининг ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан парламент Қонунчилик палатасига киритилган ва биринчи ўқишда қабул қилинган "Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида таклиф ва мулоҳазалар айтилди. Айни пайтда эркин

(Давоми 2-бетда).

# ҲАМИША МАФТУНКОР НАВРЎЗ

***Одамзод ҳаётида байрамлар кўп. Уларнинг ҳар бири ўзича гаштли, тароватли, мазмун-моҳиятлидир. Шу билан бирга, Наврўздай жуда кўп минг йиллик тарихни бошдан кечирган, аммо ҳамиша ёш, кўркам, мафтункор байрам дунёда камдан-кам учрайди. Ҳатто, қилни қирқ ёрувчи тарихчи олимлар ҳам унинг ибтидосини аниқ айтиб бера олмайдилар.***

**Нигоҳ**

"Авесто", Фирдавсийнинг "Шоҳнома"си, Наршахийнинг "Бухоро тарихи" каби минг йиллар аввал яратилган кўҳна манбаларда ҳам Наврўз тарихи тўғрисида гап кетар экан, бири-биридан ғаройиб афсоналар, ривоятлар эсланади. Ҳа, Наврўз тарихи кўз ва хаёл илғамас даражада қадимий ва афсонавордир. Фақат бир нарса аниқ: Наврўз — Марказий Осиёда, Озарбойжонда, Бошқирдистон ва Татаристонда, Туркия, Покистон, Эрон, Афғонистон каби Шарқ мамлакатларида қадим-қадимлардан буён Янги йил байрами сифатида катта шодиёналар билан нишонланиб келинади.

Айни пайтда Шарқнинг мана шу кенг ҳудудидаги ҳар бир халқ Наврўз айёмини ўз миллий байрами деб билади ва ўз турмуш тарзи, урф-одатлари, анъаналаридан келиб чиққан ҳолда уни нишонлайди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида айтиб ўтилганидек, Наврўз бизнинг ҳам "кўп минг йиллик миллий қиёфамиз, олижаноб урф-одатларимизнинг бетакрор ифодаси бўлиб келмоқда". Ушбу асарда яна қайд этилганидек, аждодларимиз одамийлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат, мурувват, ҳиммат, саховат, савоб каби умуминсоний аҳамиятли ғояларни доимо эъзозлаб, ардоқлаб келишган ва айнан мана шундай юксак инсоний тамойиллар Наврўз фалсафасининг асосида ётади. Наврўзнинг ҳамма замонлар ва ҳар қандай тарихий шароитларда инсониятнинг ҳамиша севимли, эъзозли, эзгу байрами бўлиб келаётганлигининг негизида ана шу қудратли омиллар туради.

Тарихда Наврўзга хуружлар кўп бўлган. Уни "маъжусий эътиқодлар байрами" деб бошқа динлар таъқибга олишган. Ниҳоят, яқин мустабидлик даврларида эса барча миллий қадриятлар қаторида Наврўзни буткул йўқотиб, уни одамлар руҳияти ва хотирасидан ситиб чиқариб юборишга уринишлар озмунча бўлмади.

Тарих давомида халқимиз ўзидан, ўзлигидан кечмаганидай, табаррук миллий Наврўз айёмидан ҳам воз кечмади. Наврўз — маҳаллалар, қишлоқлар, хонадонларнинг тор доирасида бўлса-да, эъзозланди. Одамлар қалбида Наврўз ўгитлари ҳеч қачон сўнмади. Эл Наврўз амаллари билан яшаб келди.

(Давоми 2-бетда).

**Озод Шарафиддинов таваллудининг 80 йиллиги**

***Ўзбекистон Қаҳрамони, адабиётшунос Озод Шарафиддинов ўзининг серқирра фаолияти, дадил сўзи, маънавий уйғоқликка даъват этувчи ўткир публицистик асарлари, бадиий таржималари баробарида матонати, қатъияти, ибратли ҳаёт йўли билан халқимиз меҳрини қозонган эди.***

# АТОҚЛИ ОЛИМ, МЕҲРИБОН УСТОЗ

Шу кунларда олим таваллудининг 80 йиллиги юртимизда кенг нишонланмоқда. Таълим масканлари, маънавият ва маърифат даргоҳларида устознинг маънавий мероси, фаолияти, ҳаёти, хотирасига бағишланган адабий кечалар, учрашувлар, анжуманлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

12 март куни Ўзбек Миллий академик драма театрида Озод Шарафиддиновнинг 80 йиллигига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар, олимлар, жамоатчилик вакиллари, талаба ёшлар, олимнинг шогирдлари, оила аъзолари тўпландилар.

Кечада Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раиси А. Орипов, Ўзбекистон халқ шоири М. Тоир, Ўзбекистон халқ артисти Ё. Аҳмедов, Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Т. Қўзиев, «Ўзбеккино» миллий агентлиги бош директори ўринбосари Ж. Қосимов, филология фанлари номзоди, адибнинг қизи М. Шарафиддинова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Ватанимиз тараққиёти, юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлиги йўлидаги кенг кўламли изчил ислоҳотлар маънавий-маърифий ўзгаришларга ҳамоҳанг тарзда олиб борилаётганини таъкидладилар. Бу жиҳатлар миллий адабиётимизни янада равнақ топтириш, унинг ривожи йўлида самарали фаолият кўрсатган ижодкорлар меҳнатини қадрлаш, ижодини тўлақонли ўрганиш, тарғиб ва ташвиқ этиш, хотирасини эъзозлаш каби эзгу ишларда ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Озод Шарафиддинов адабиёт, адабий танқид майдонининг фидойиси, навқирон истеъдодларнинг меҳрибон мураббийси сифатида танилган эди. Унинг китоблари адабий жараённи янгича англаш, идрок ва талқин этишнинг ёрқин намунасидир. Унинг XX аср янги ўзбек адабиётининг мустабид тузум туфайли топталган тарихини, айниқса, қатағон

(Давоми 2-бетда).

**БИР РАҚАМ ШАРҲИ**

# Инвестиция ҳажми ошади

***2009 йилда мамлакатимизда, бутунжаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётганига қарамасдан, иқтисодиётга жалб этиладиган хорижий инвестициялар ҳажми***



**1 миллиард 800 миллион долларга кўпайди.**

Шунча маблағнинг тўртдан уч қисми тўғридан-тўғри инвестициялар эканлигини ҳисобга олсак, бу жойларда янги корхоналар қуриш ва эскиларини модернизациялаш ҳисобига импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш имконини беради.

**Тошкентнинг 2200 йиллиги олдидан**

***Жорий йилда азим Тошкентнинг 2200 йиллиги кенг нишонланади. Айни дамда мазкур шодиёнага тайёргарлик ишлари қизғин давом этмоқда. Қадим ва навқирон пойтахтимизнинг бетакрор таровати, хушманзара табиати ва файзли гўшалари ҳеч бир кишини бефарқ қолдирмайди. Гўзал Тошкентнинг кенг кўчаларида кўплаб сайёҳларни учратиш мумкин. ЎзА мухбирлари улардан айримларининг пойтахтимиз ҳақидаги таассуротлари билан қизиқди.***

# ЭНГ ХУШМАНЗАРА ШАҲАР

**Хавьер Гарсиа РОДРИГЕС (Испания):**

— Тошкентга илк бор келишим. Шаҳар менга ниҳоятда ёқди. Ширинсухан ва меҳмондўст халқингиз қалбимда ўзгача меҳр уйғотди. Пойтахтингиздаги диққатга сазовор жойлар — тарихий обидалар, меъморий ёдгорликлар ва муқаддас қадамжоларни томоша қилиб, баҳридилим очилди. Замонавий ва миллий анъаналарни ўзида мужассам этган бинолар биз каби сайёҳларнинг эътиборини тортиши табиий.

Испанияда изғирин совуқ ҳукм сураётган бугунги кунда Тошкентда баҳор нафаси уфуриб турибди. Мусаффо осмонингизда қуёш чарақлаб, майин эсаётган шабада ҳақиқий баҳор кайфиятини ҳис қилишимга имкон берди. Мен бундан жуда бахтиёрман. Ўзбекистонни "Жаннатмонанд ўлка", деб бежиз таърифламас эканлар. Саёҳатим асносида мен бунга амин бўлдим.

**Хуа Го ФЕН (Хитой):**

— Мамлакатингизга хизмат юзасидан кўп келиб кетаман. Бу гал пойтахтингизда ўтказилган "UzBuild — 2009" халқаро кўргазмасида иштирок этиш ниятида келдим. Шу баҳона Тошкентдаги муқаддас қадамжоларни яна бир бор зиёрат қилдим. Уларни томоша қилиш менга катта руҳий қувват беради. Ҳар келганимда шаҳар янгича гўзал қиёфа касб этаётганига гувоҳ бўламан.

Бу йил Тошкентнинг 2200 йиллик юбилейи нишонланиши менга яхши маълум. Халқингиз бу шодиёнага катта тараддуд кўраётганининг гувоҳи бўлдим. Ушбу навқирон ва қадим шаҳар неча асрлардан буён ўз маҳобати, меъморий обидалари, алломалари, хушмуомала ва меҳмондўст халқи билан барчани ҳайратга солиб келмоқда. Дарҳақиқат, гўзал юртнинг инсонлари ҳам гўзал бўлади. Ўзбек халқининг хулқ-атворидан, маданиятидан ўрнак олса арзийди. Ўзбекистонда ўзимни доимо хотиржам ва бахтиёр ҳис этаман. Ушбу муқаддас диёрга қайта-қайта келгим келаверади.

(Давоми 2-бетда).

*Ўтган ҳафта давомида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари мамлакатимиз минтақаларининг барча бурчакларида ўз сайловчилари билан учрашдилар. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида"ги Қонунда кўрсатилишича, депутат нафақат ўз фаолияти ҳақида сайловчиларга ҳисобот бериши даркор, балки қабул қилинаётган қонун ва қарорларимизни жойларга етказишга, кенг тушунтириш ишларини, тарғиботларни ўтказиш ва уларни кечиктирмасдан ҳаётимизга жорий этишга, бунинг учун керакли чора-тадбирларни кўришга ҳам масъулдир. Мамлакатимиз Президенти Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида бу ҳақда алоҳида гапириб ўтган эди.*

# САЙЛОВЧИЛАР ИШОНЧИ

## депутатни янада фаол бўлишга ундайди

— Ўтказилган учрашувларда Юртбошимиз раҳбарлигида мамлакатимизда олиб борилаётганислоҳотлар ва уларнинг натижалари, қабул қилинаётган ҳар бир қонун, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг мазмун-моҳияти тўғрисида ахборотлар бердик, — дейди қуйи палата Спикери ўринбосари Аслиддин Рустамов. — Сайловчилар билан ўтган очиқ ва ошкора мулоқотларда шу нарсага амин бўлдикки, мамлакатимизнинг бугунги ва эртанги кунига ҳеч ким бефарқ эмас. Зеро, сайловчилар амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши, қабул қилинаётган қонунлардан қониқиш ҳосил қилаётганликларини эътироф этмоқдалар.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, парламентимиз томонидан қабул қилинаётган қонунларни аҳоли мамнуният билан кутиб олмоқда. Айниқса, «Микромолиялаш тўғрисида»ги ва «Истеъмол кредити тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши аҳолининг яшаш даражасини бирмунча яхшилашга имкон берганини алоҳида эътироф этдилар. Кам таъминланган аксарият оилаларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётганлиги, ўзи ва бошқалар учун иш ўринлари яратиб, муайян даромадга эга бўлаётганлиги ҳам фикримиз далилидир.

18-Булоқбоши сайлов округидан сайланган депутат А. Раҳимовнинг айтишича, сайловчилар учрашувларда кўпроқ «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни юзасидан ҳамда Ер кодекси, йўл ободончилиги ва қурилишга оид ўз мулоҳазаларини билдиришган.

Депутат ва сайловчи ўртасидаги ана шундай ҳамкорлик, айтиш мумкинки, мавжуд муаммоларни ўз жойида имкон қадар ҳал этишга замин яратади. Энг муҳими, одамларнинг фикр-мулоҳазалари, амалиёт билан боғлиқ мушоҳадалари яратилаётган қонунларнинг пишиқ-пухталигига хизмат қилади, қонунлар ижросини жойларда назорат қилишда асқотади. Қолаверса, бу халқ сайлаган вакилларнинг ўзида ҳам масъулият ҳиссини оширади. Негаки, бугунги кунда минг-минглаб фуқаролар ишончини қозонган, уларнинг интилишлари ва хоҳиш-иродасини ўз фаолияти билан боғлаган депутатлардан янада фидойилик, фаоллик ва ташаббускорлик талаб этилаётир.

— Мулоқотлар чоғида парламент фаолияти, қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳияти ва улар ижросини таъминлашда депутатлар олдида турган масалалар атрофлича муҳокама қилинди, — дейди қуйи палата Спикери ўринбосари Адҳам Шодмонов. — Учрашувларда давлатимиз раҳбарининг 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган долзарб вазифалар биз учун дастуриламал бўлди. Шу боис Самарқанд шаҳри, Булунғур ва Жомбой туманларида ўтказилган учрашувларда 2008 йилда жаҳонда юз берган ва ҳозирда давом этаётган иқтисодий ва молиявий инқироз оқибат-

**Жараён**

ларининг олдини олиш мақсадида мамлакатимизда 2009-2012 йилларга мўлжаллаб ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар Давлат дастурининг аҳамияти хусусида аҳолига тушунтириш ишларини олиб бордик.

— Тўрткўл шаҳри аҳолиси билан ўтказилган учрашувларда асосий эътибор бунёдкорлик ишларига қаратилди, — дейди депутат Бахтиёр Якубов. — Соҳадаги режаларни босқичма-босқич амалга ошириш, ҳар бир маҳалла, кўча ва хонадонда намунали турмуш тарзини қарор топтириш энг муҳим вазифалардан биридир.

Жорий йилнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилиниши бежиз эмас. Чунки қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши, табиий газ, тоза ичимлик суви, электр энергияси таъминотини яхшилаш, йўлларимизни янада созлаш, транспорт ва коммуникация хизматларини ривожлантириш зарур. Зеро, мамлакатимиз Президенти айтганидек, ҳар бир инсон тақдири, фаолияти қишлоқ билан узвий боғланган.

— Қишлоқларимиз йил сайин обод бўлиб, юртимиз кўркига-кўрк қўшилаётир, — дейди депутат Раъно Зарипова. — Табиийки, бундай улкан бунёдкорлик ишлари ҳар йили қабул қилинадиган Давлат дастурлари асосида амалга оширилмоқда. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида эса бу саъй-ҳаракатлар даражаси янги поғонага кўтарилиши, шубҳасиз. Масалан, Хонқа туманида кейинги йилларда бир қатор мактаб ва коллежлар ишга туширилди. Янги замонавий туғруқхона фойдаланишга топширилди.

— Сайловчилар билан ўтган мулоқотларимизда парламентимизда қабул қилинган қонунларни алоҳида шарҳлашга ҳам тўғри келди, — дейди депутат Собир Турсунов. — Айниқса, «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги, «Иш берувчиларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига атрофлича тўхталиб, аҳолига тушунтирдик. Қолаверса, бу ҳаётий зарурат тақозоси ҳам эди. Чунки қонунлар ҳақидаги шарҳлар, айниқса, ёшлар ва қишлоқ аҳли учун жуда-жуда зарурдир. Одамлар шунинг учун ҳам қонунлар тўғрисидаги янги маълумотга ўта чанқоқ. Масалан, депутатларимизнинг сайловчилар билан учрашув жараёнларида биргина «Ипотека тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳақида 500 га яқин савол тушганлиги ҳам фуқароларимизнинг мамлакатимиз ҳаётида содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий вазифаларга бефарқ эмаслигининг ёрқин бир кўринишидир.

Ўтган йили кучга кирган «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуннинг айни вақтда қабул қилингани, бу аянчли ва ташвишли ҳолатга доир матбуот чиқишлари, жумладан, депутатлар олиб бораётган тушунтириш ишлари сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланаётгани юртдошларимизнинг сиёсий онги, сиёсий ҳушёрлиги ошиб бораётганидан далолат беради.

Қуйи палата депутати Юсуфжон Нишоновнинг Охунбобоев сайлов округидаги учрашувида сўз, асосан, ижтимоий соҳага оид муаммоларни ҳал этишга кўмаклашадиган қонунлар қабул қилиш, амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш хусусида борди. Сайловчилар "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳриридаги ўзгаришлар билан қизиқдилар.

Сариосиёлик сайловчилар билан учрашувда депутат Акрам Жумаев парламентнинг қонунчилик фаолияти юзасидан ахборот берди. Шунингдек, у "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар хусусида тўхталиб, қишлоқ аҳолиси кундалик турмушига дахлдор масалалар дастур ижроси доирасида ҳал этиб борилишини таъкидлади.

Хуллас, депутатларнинг сайловчилар билан учрашув институти аҳолининг сиёсий фаоллигини оширувчи ҳамда мунтазам такомиллашиб борувчи самарали ижтимоий-сиёсий жараён, десак янглишмаймиз. Негаки, бу хайрли тадбирлар депутатларимизнинг нафақат қонун ижодкорлиги ташаббусларини жонлантиради, балки одамларни ўзлари сайлаган вакиллари орқали давлатни бошқаришга ўргатади. Сайловчилар ишончи эса депутатлар масъулиятини янада оширади.

**Зиёда АШУРОВА.**

# АТОҚЛИ ОЛИМ, МЕҲРИБОН УСТОЗ

(Давоми. Боши 1-бетда).

этилган адиблар меросини холисона ўрганиш йўлидаги жонбозликлари илмий-ижодий жасорат намунасидир.

Истиқлол йилларида ижодкорларга яратилган кенг имкониятлар Озод Шарафиддиновни ҳам янада самарали фаолият кўрсатишга ундади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан «Жаҳон адабиёти» журналининг ташкил этилиши ва унга Озод Шарафиддиновнинг бош муҳаррир этиб тайинланиши олим фаолиятида янги саҳифа очди. Унинг саъй-ҳаракатлари билан ўзбек китобхонлари дунё адабиётининг энг нодир дурдоналаридан баҳраманд бўлдилар. Устознинг жамоатчи, публицист сифатида истеъдодининг юксак қирралари намоён бўлди. Адабиётшуноснинг «Истиқлол фидойилари», «Маънавий камолот йўлларида», «Мустақиллик меъмори», «Ижодни англаш бахти», «Довондаги ўйлар» каби асарлари замонавий миллий адабий тафаккурнинг ёрқин намунасидир.

Президентимиз фармонлари билан Озод Шарафиддинов Ўзбекистон Қаҳрамони унвони, «Буюк хизматлари учун», «Меҳнат шуҳрати» орденлари билан тақдирланган эди.

Маросимда санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг концерти, устоз ҳаёти ва фаолиятига оид ҳужжатли фильмдан лавҳа намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Қосимов иштирок этди.

* * *

Шу куни «Озод Шарафиддинов ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти» мавзуида илмий конференция бўлиб ўтди. Анжуман республика Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, республика Маънавият тарғибот маркази, Ёзувчилар уюшмаси, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти С. Ғуломов, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Э. Воҳидов, филология фанлари доктори, профессор У. Норматов, академик Б. Назаров, «Тафаккур» журнали бош муҳаррири Э. Аъзам, адабиётшунос олим И. Ғафуров, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ў. Ҳошимов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимиз, айниқса, навқирон авлод маънавиятини юксалтириш, уларни соғлом ва теран тафаккур соҳиби этиб вояга етказишнинг муҳим шарти сифатида миллий адабиётимизни равнақ топтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар. Бу йўналишдаги барча ишлар миллий адабиётимиз ривожига улкан ҳисса қўшган ижодкорларнинг илмий-маънавий меросини тадқиқ этиш билан ҳамоҳанг тарзда олиб борилмоқда. Озод Шарафиддинов ижодини ҳар томонлама, чуқур ва мукаммал ўрганиш борасидаги эзгу ишлар бунинг ёрқин далилидир.

Конференцияда таъкидланганидек, бутун ҳаётини илм-маърифат ва маънавият ривожига бағишлаган заҳматкаш олимнинг асарлари, сермазмун ҳаёти навқирон авлодни тарбиялашда юксак намуна бўлиб хизмат қилмоқда. Озод Шарафиддиновнинг бадиий адабиёт масалаларига бағишланган мақолалари адабиётимизга янги руҳ олиб кирди.

Устознинг «Адабий этюдлар», «Яловбардорлар», «Истеъдод жилолари», «Биринчи мўъжиза», «Адабиёт — ҳаёт дарслиги», «Ҳаёт билан ҳамнафас», «Ҳақиқатга садоқат», «Моҳият ва маҳорат», «Абдулла Қаҳҳор», «Чўлпон», «Чўлпонни англаш» каби кўплаб адабий-танқидий монография, рисола ва илмий-публицистик мақолаларида ўзбек адабиётининг тараққиёт йўллари, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, Ғафур Ғулом, Миртемир, Зулфия каби адабиётимиз жонкуярларининг ижоди теран таҳлил этилган. Адиб ёш истеъдодларни тарбиялаш, камолотга етказиш борасида ҳам ибратли фаолият олиб борди. Олим қирқ йил давомида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида меҳрибон устоз, жонкуяр педагог сифатида самарали хизмат қилди.

Мустақиллик йилларида Озод Шарафиддиновнинг публицист-олим сифатидаги қирралари янада ёрқинроқ намоён бўлди. У мустақиллик одимларини, давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган одилона ижтимоий сиёсатни теран нигоҳ, дахлдорлик масъулияти, фаол фуқаролик позицияси билан таҳлил этди.

Конференцияда олимнинг илмий-адабий ва маърифий фаолиятига оид маърузалар тингланди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ҲАМИША МАФТУНКОР НАВРЎЗ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Наврўз айёмининг юртимизда умумхалқ байрами сифатида тикланишида Юртбошимизнинг улкан ва бебаҳо хизматлари бор. Ҳали собиқ шўро тузуми ўз ҳукмронлигини сақлаб турган 1990 йилда Наврўз миллий байрам сифатида қайта тикланиб, халқимиз томонидан кенг нишонланди. Президентимизнинг 1991 йилнинг март ойида эълон қилинган "Жумҳуриятда "Наврўз" умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида"ги Фармони эса Наврўзнинг бундан кейин Ўзбекистонда мунтазам равишда ҳар йили умумхалқ байрами сифатида нишонланишига мустаҳкам негиз бўлди. Худди шу Фармонда 21 март куни бундан кейин юртимизда дам олиш куни, деб белгиланди.



Мана, 18 йилдирки, Наврўз кўп миллатли Ўзбекистон халқининг севимли ва азиз байрамларидан бири бўлиб келаётир.

Наврўз амаллари халқ руҳиятидан чуқур жой олган. Бутун мамлакатда байрам арафасида ва байрам кунлари кенг миқёсда меҳр-оқибат, мурувват, саховат ва савобга асосланган тадбирлар ўтказилади. Пенсионерлар, ёлғиз кишилар, кам таъминланган оилалар, "Меҳрибонлик" ва "Мурувват" уйларида яшаётган эътибор ва ғамхўрликка муҳтож юртдошларимиз давлат ва нодавлат ташкилотлари, хайрия жамғармалари, тадбиркорлар, фермерлар ва бошқа ҳимматли ватандошларимиз ҳамда муассасалар томонидан, албатта, йўқланади, уларга байрам совғалари ҳадя этилади. Наврўз кунлари барча гина-кудуратлар унутилиб, кишилар яхшиликка интиладилар. Мамлакатда кенг миқёсда байрамолди ҳашарлари ўтказилади. Қишлоқлар ва шаҳарларимиз, маҳаллалар, хонадонлар, кўп қаватли уйларнинг атрофи чиннидай покизаланиб, орасталанади. Далаларда, боғларда баҳор ишлари бошланади. Кўчатлар экилиб, янги боғлар, хиёбонларга замин яратилади. Байрам кунларида ҳар хил ширинликлар, сумалак, ҳалим, кўк сомса, чучвара ва бошқа хил тансиқ таомлар тайёрланади. Наврўз кунлари юртимиздаги барча хонадонларнинг эшиги меҳмонларга очиқ бўлади. Боғларга, майдонларга, кўчаларга эл сиғмайди, умумхалқ сайиллари бошланади. Айёмга атаб концертлар, турли томошалар уюштирилади. Улоқ, кўпкари, кураш, цирк, дорбозлик каби халқ ўйинлари байрам гаштини янада оширади. Элимизда шарқона Янги йил, яъни, серзавқ, серманзара Наврўз шодиёналари шу тариқа нишонланади.

Наврўз фалсафаси халқимиз онгидан ва турмуш тарзидан мустаҳкам ўрин олиб, Истиқлол даврида янада равнақ топмоқда. Мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий йўналишлардаги ислоҳотлар инсон ва унинг манфаатларига йўналтирилганлигининг ўзидаёқ Наврўзга хос эзгуликлар кўзга ташланади.

Бу йилги Наврўз айёми Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилини бошлаб бераяпти. Қишлоқларни тубдан ривожлантириш, ободонлаштириш ва фаровонлаштириш мақсадларига қаратилган Давлат дастури ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилди. Ана шу дастур асосида мамлакатда кенг қамровли бунёдкорлик ишлари бошланиб кетди. Бу — Наврўзона одимлардир.

Жорий йилда ватандошларимиз Ўзбекистон Мустақиллигининг кутлуғ 18 йиллигини байрам қилади. Истиқлол Наврўзга катта йўл очди ва Наврўз ҳам, ўз навбатида, мустақил ҳаётимизнинг файзи, кўркига айланди. Қолаверса, Истиқлол ва Наврўз тақдирида ғоятда гўзал ва нодир муштараклик бор. Агар Наврўз табиат, борлиқ ва инсон маънавиятида эзгуликларни кўкартирса, Истиқлол — мамлакат ва халқни яшартирмоқда.

Хуллас, биз миллий истиқлол ва Наврўз амаллари ўртасида чуқур уйғунликни кўрамиз. Халқимиз, жумладан, бугунги ёш авлод онги ҳамда маънавияти муқаддас инсоний ғоялар, пок-беғубор орзу-умидлар билан шаклланиб, ривож топмоқда. Бу — хайрли, келажаги ойдин ривожланишдир.

**Михли САФАРОВ.**

# ЭНГ ХУШМАНЗАРА ШАҲАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, менинг ўзбек мумтоз қўшиқларига бўлган меҳрим баланд. Санъат дурдоналари саналмиш куй-қўшиқларингиз мени оҳанрабодек ўзига тортади. Уларга чандон меҳрим туфайли яқинда ўзбек миллий чолғу асбоби — танбурни харид қилдим.

**Анил ШАРМА (Ҳиндистон):**

— Институтда ўзбекистонлик бир йигит билан бирга таҳсил олган эдим. У ўзи туғилиб ўсган она шаҳри — Тошкент ҳақида жуда кўп гапирарди. Ўша дўстим мени ўз Ватанига, ўз шаҳрига — Тошкентга таклиф қилди. Мана, ниҳоят орзуим ушалганидан жуда хурсандман. Юртингизга илк саёҳатим ғоят мазмунли ўтмоқда. Тарихий шаҳарларингиз — Самарқанд, Хива ва Тошкентдаги кўплаб диққатга сазовор жойларни кўриш бахтига муяссар бўлдим. Ўзбекистонда гўё хаёлот дунёсига сайр қилгандек бўляпман.

Тошкентга келишим билан дўстим мени биринчи галда шаҳар марказидаги Мустақиллик майдонига олиб борди. Унинг тароватини таърифлашга сўз ожизлик қилади. Майдон, у ердаги Мустақиллик ва эзгулик монументи, бинолар ўзининг улуғворлиги билан мамлакатингизнинг улкан салоҳиятини ифодалайди.

**Мурод ДИНЧ (Туркия):**

— Уч йил аввал кузда пойтахтингизда меҳмон бўлган эдим. Ўшанда олтин куз Тошкент манзарасига ўзгача жозиба бахш этишининг гувоҳи бўлганман. Тошкентга бу гал келганимда, баҳор қуёшининг илиқ тафти уфуриб турганини ҳис этдим. Янгиланиш ва яшариш фасли юртингиз чиройи билан уйғунлашиб, ўзгача бир манзара ҳосил қилганки, буларнинг барчаси мени лол қолдирди. Пойтахтингиз ҳар фаслда ўзгача гўзал.

Тошкентдаги бунёдкорлик ва яратувчилик ишларини алоҳида таъкидламоқчиман. Довруғи тилларда достон қадим Шошнинг кенг ва озода, серфайз кўчалари, мафтункор боғларида сайр қилиб, завқ оламан. Мен Ўзбекистоннинг кўп жойида бўлганман. Тошкент, Хива, Самарқанд ва Бухоро каби шаҳарлардаги маҳобатли тарихий обидалар, ўз тароватли ва жилоси билан бутун дунёни мафтун этаётган меъморий ёдгорликлар юртингизнинг бой тарихидан сўзлайди, халқингизнинг маданияти ва меъморлик санъати бир неча асрлар аввал ҳам юксак даражада ривож топганидан далолат беради. Бу заминга бир бор қадамранжида қилган киши шу ерда умрбод қолишни истайди.

**Арман РИШАР (Франция):**

— Бир неча йил муқаддам янги йил арафасида Ўзбекистонга келган эдим. Бу галги саёҳатим ҳам кутлуғ байрам арафасида кечаётганидан жуда хурсандман. Интернет орқали баҳорда халқингиз Наврўз байрамини нишонлашидан хабар топдим. Байрам куни дастурхонга тансиқ кўклам таоми бўлмиш сумалак тортилиши ҳам менга маълум. Уни татиб кўришни жуда хоҳлардим.

Пойтахтингиз ҳақиқатан ҳам жуда гўзал. Бу ердаги озода, кенг кўчалар, ширинсухан инсонлар кўнглимдан чуқур жой олган. Шундай гўзал диёрда яшаётган халқингизга ҳавасим келади.

Бугун азим Тошкент сайёҳлар назидида энг хушманзара шаҳарлардан бири саналади. Кўркам ва замонавий меҳмонхоналар, юқори сифатли хизмат кўрсатувчи ресторан ва қаҳвахоналар, музей ва галереялар ҳамда бошқа кўплаб дам олиш масканларини учратиш мумкин. Хуллас, бу юртда сайёҳларнинг мазмунли ҳордиқ олиши учун барча шароит мавжуд. Ушбу жаннатмонанд юртга яна келишни истардим. Мамлакатингиз дунёнинг энг



ривожланган давлатлари қаторидан жой олишига ишонаман. Ҳамиша юртингиз тинч, осмонингиз доимо мусаффо бўлсин.

**ЎзА мухбирлари**
**Мадина ҲУСАНОВА,**
**Ирода УМАРОВА**
**ёзиб олди.**

# МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар



## Эркин ҳудуднинг ҳуқуқий асослари

(Давоми. Боши 1-бетда).

индустриал-иқтисодий зонанинг ташкил этилиши нафақат Навоий вилоятининг, балки бутун Зарафшон воҳасининг ижтимоий-иқтисодий, техник-технологик, ташкилий-бошқарув салоҳиятларига ижобий таъсир кўрсатиши алоҳида таъкидланди.

Бундан ташқари, Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзолари Навоий кончилик ҳамда педагогика институтларининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари, Навоий машинасозлик заводи, «Қизилқумцемент» очиқ акциядорлик жамияти ишчи-ходимлари билан ҳам давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказдилар.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари дарахт кўчатлари етказиб беришдек хайрли ишни муваффақиятли амалга ошириб келмоқда.*

## Оролбўйига — миллион дона кўчат

Шу мақсадда жорий йилда бошқарма хўжаликлари кўчатхоналарида 4 миллион 176 минг дона кўчат етиштирилди.

Айтиш жоизки, ушбу кўчатларнинг 745 минг донаси Оролбўйидаги ташкилот ва муассасаларга 108 миллион сўмга сотилди, 177 минг донаси бепул юборилди. Ҳаммаси бўлиб у ерга миллионтага яқин кўчат жўнатилди. Албатта, бу ниҳоллар Оролбўйи ҳудуди табиатини бойитиш ва экология софлигини таъминлашга хизмат қилади.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Пойтахтимиздаги "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг Инженер техник марказида "Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоқлари ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари" мавзуига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.*

## Телекоммуникация истиқболлари

Унда 2009 йилда телекоммуникация тармоқларини модернизациялаш ва янги хизмат турларини татбиқ этиш, хизматлар ҳажми ҳамда сифатини ошириш, шунингдек, қишлоқ жойларида телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган лойиҳалар ва устувор вазифалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда таъкидландики, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларидаги 72 та аналог қишлоқ телефон станциясини тубдан реконструкция қилиш ва замонавий жиҳозлар билан таъминлаш ишлари жадал олиб борилаяпти.

**К. МУЛЛАБОЕВ.**

*Ҳар йили олий таълим муассасалари талабалари ўртасида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг "Камолот стипендияси" учун танлов ўтказиш анъанага айланган.*

## «Камолот» стипендиатлари

Уч босқичда ўтказиладиган ушбу танлов олий ўқув юртларида таълим олаётган энг иқтидорли, ташаббускор ҳамда изланувчан талабалар фаолиятини юзага чиқармоқда ва қўллаб-қувватламоқда.

2008-2009 ўқув йилида "Камолот стипендияси" танловида республика олий таълим муассасаларидан 600 нафар талаба иштирок этиб, улардан 206 нафари танловнинг республика босқичига йўлланмани қўлга киритди. Танловнинг якуний босқичида эса, қатнашчилар орасидан энг иқтидорлилари саралаб олинди. Унга кўра, йигирма нафар талаба "Камолот стипендиати" бўлишди.

**М. БАЁНОВ.**

*Фавқулодда вазиятлар вазирлигида "Республика ҳудудида ўта юқумли касалликлар бўйича эпидемик ва эпизоотологик барқарор вазиятни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар" мавзуида анжуман бўлиб ўтди.*

## Масъулият юки

Тадбирда айрим қўшни давлатларда йиллар давомида сақланиб келинаётган эпизоотик нохуш вазият, трансчегаравий ҳудудларда кенг қамровли профилактик тадбирларни амалга ошириш ҳамда давлат чегарасини кесиб ўтиш жойларида ташкил этилган ветеринария-карантин постларининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга оид бир қатор масалалар муҳокама қилинди.

**Б. ВАЛИЕВ.**

